



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI  
O'ZBEKISTON TUMANI HOKIMINING  
**QARORI**

“ 05 ”        Aprel        20 21 y

Yaypan shahri        243        sonli

**«Юрт равнаки хаёт кувончи» унитар корхонасига Ғ.Ғулом ММТП худудидаги туман захира ер майдонидан боғдорчилик йўналишида ижарада фойдаланишга ер майдони бириктириб бериш тўғрисида**

Такдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6-52 ва 58-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарорига асосланиб

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:**

1. Халқ депутатлари Ўзбекистон туман кенгашининг 2021 йил 25 мартдаги 148/23-6-сонли қарори тасдиқлансин.
2. Ўзбекистон тумани ҳокимлиги хузуридаги ер участкалари бериш масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг 2021 йил 26 февралдаги тумани ҳокимлиги захира фондига қарашли ер майдонидан «Юрт равнаки хаёт кувончи» унитар корхонасига боғдорчилик йўналишида ижарада фойдаланишга ер майдони бириктириб бериш тўғрисидаги далолатномаси тасдиқлансин.
3. «Юрт равнаки хаёт кувончи» унитар корхонасига “Ғ.Ғулом” ММТП худудидаги туман захирасига қарашли бўлган № 1083к-контуридаги жами: 15,00 га, шундан, 15,00 га янги ўзлаштириладиган ер майдонлари боғдорчилик ихтисослашувида фойдаланиш учун 49 йил муддатга ижарага фойдаланиш учун бириктириб берилсин.
4. «Юрт равнаки хаёт кувончи» унитар корхонаси раҳбари Х.Тошқуловга янги ўзлаштирилаётган боғ майдонларидаги қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш вазифаси юклатилсин.
5. Мазкур қарорга биноан ер балансига тегишли ўзгартириш киритиш ҳамда «Юрт равнаки хаёт кувончи» унитар корхонаси раҳбари Х.Тошқуловнинг аризасига асосан ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштириб бериш Кадастр агентлигининг туман бўлими бошлиғи А.Ражабовга, ер солиғини ундириш туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Ж.Кўчқоровга топширилсин.
6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Эшонқулов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Ш.Юлдашев

Ўзбекистон тумани хокимлиги хузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг тумани хокимлиги захира фондига қарашли ер майдонидан «Юрт равнақи хаёт қувончи» унитар корхонасига боғдорчилик йўналишида ижарада фойдаланишга ер майдони бириктириб бериш тўғрисидаги

## ДАЛОЛАТНОМА

26.02.2021 йил

Яйпан шаҳри

«Юрт равнақи хаёт қувончи» унитар корхонаси раҳбари Х.Тошқуловнинг туман хокими номига ёзган 08.02.2021-йилдаги 51-сонли аризасида «Юрт равнақи хаёт қувончи» унитар корхонасига туман захирасидаги ер майдонларидан боғдорчилик йўналишида бириктириб беришни сўраган. Ариза мутахассислар томонидан ўрганилганда захирага олиниши сўралган ер майдони Ғ.Ғулом ММТП худудида жойлашган бўлиб Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси» нинг 6-52 хамда 58-моддаларига асосан «Юрт равнақи хаёт қувончи» унитар корхонаси учун 1083қ-контуридаги жами 15,00 гектар шундан, 15,00 гектар янгитдан ўзлаштириладиган ер майдонини боғдорчилик йўналишида бириктириб берилиши мақсадга мувофиқ деб топилди.

Комиссия раиси:

  
М.Сатторов

Комиссия раиси ўринбосари:

  
А.Ражабов

Комиссия котиби:

  
Ф.Пахритдинов

Комиссия аъзолари:

  
О.Вахобов

  
А.Сулаймонов

  
Ғ.Хамракулов

  
А.Матликов

  
О.Иргашев

  
О.Абдуллаев

  
С.Қаюмов